

Жаббор РАЗЗОҚ

УМР БИР ҚЎШИҚ

Шингил ҳикоялар

Ҳажвиялар

Шеърлар

Журналист синчков, кузатувчан бўлади. У қайноқхаёт ичи- да яшайли, одамлар дардини ўз дарди, қувончини ўз қувончи, ташвишини ўз ташвиши деб билади. Истеъдодли қалам соҳиби Жаббор Раззоқ ҳам шундай ижодкорлардан. У ҳаётда ўзи дуч келган оддий воқеа ва ҳодисаларга журналистларга хос қўз билан қарайди, мулоҳаза қилади, хулоса чиқаради. Унинг ижод намуналаридан жамланган ушбу китоб Сизларга манзур бўлади, деб умид қиламиз.

ТОШБАҒИР

Куз кунларининг бирида шаҳарнинг шовқин-суронли кўчалари, баланд қаватли уйлари, дим ҳавосидан зериккан уч ўртоқагрофи ўрмон билан ўралган Сойли қишлоғидаги бирдеҳқон ҳовлисига жойлашишди. Қишлоқнинг (|>усункор табиати уларни ўзига мафтун этган эди.

Қишлоқтоғ ёнбағрида жойлашганлиги боис, хушҳаво, серсув, ажиб бир манзилгоҳ бўлиб, оқ қайин, арча, ёввойи жийда, дўлана каби дарахтлар жуда кўп. Айниқса, оқ қайиннинг гангадай майда-майда япроқчалари, дўлананинг сап-сарик мунчоқдек мевалари йилтиллаб, кишини мафтун этар, табиатнинг бугун гўзаллиги қалбга кўчиб, беихтиёр ўтлоқпар, зангори осмон рангига сингиб, қоришиб кетгинг келади. Қушларнинг сайраши эса бирам ёқимлики, бири қўйиб, бири хониш қилади...

Уч ўртоқ кунбўйи табиат қўйнида сайр этиб, қош қорайганда уйга қайтишди. Жимгина, иштаҳа билаи овқатланиб, сўнг каравотларига чўзилиб, деразадан юлдузли осмонни кузатганча пинакка кетишди. Улар бу тундагидек мириқиб ухлашганини эслашолмасди. Янги тонг меҳмонларга янада завқли, оромбахш ва мусаффо бўлиб туюлди. Улар нонуштадан сўнгяна сайрга ошиқишди. Равшан исмли йигит уйда қолди. Унинг қалбини муздек ҳаво ва сокинлик элитдими, каравотга чўзилганча кўзи илинди. Бирорсоатлар ўтар-ўтмас чўчиб уйғонди, хонага ғалати бир куш қамалиб, ўзини дераза ойнасига тинимсиз урарди...

... Ҳамроҳлари хонага кириб келишганда, Равшан ўзида йўқ хурсанд эди.

— Қаранглар,— деди у шерикларига, ўзи ҳам номини билмайдиган қушни кўз-кўз қилиб,—бир амаллаб ушлаб олдим, шаҳарга олиб кетаман.

Қушча унинг қўлидан чиқишга, парвоз қилишга иигилар, кимдандир нажот изларди. Икки ҳамроҳ эса қушчанинг ғоятда 1узаллигига завқланиб боқишар, Равшан)са бепарво., фикри қушни шаҳарга олиб кетиш билан банд.

— Равшан, бу митги жониворни қўйиб юбор, — деди шерикларидаи бири илтимос оҳангида. — Одагда бундай носб қушчалар тутқунликни ёқтирмайди. Гутқунлик улар учуи ўлим!

Равшан қаҳ-қаҳ отиб кулди. Ҳамроҳининг гапини (шитмагандек:

— Қафасга солиб, сайратиб қўямиз, — деди хотиржам ва қушнинг оёгига ип солиб, каравотига боғлаб қўйди.

Орага аллақандай нохушлик тушди. Уч ўртоқ шу кеча бир-бирини танимагандак, ҳиссиз, безътибор ётишди...

Тонг отди. Тонг отганда ҳам дилга тушган ғамлик, ўртадаги бегоналик хисси кўтарилмаганди.

— Равшан, тур ўрнингдан, одам ҳам шунақа бў- ладими! — Зафарнинг қахрли овози янгради. Равшан лоқайдларча кўзини очаркан, кушча полда, қанотларини ёзганча жонсиз ётарди...

Уч ўргоқ биров қувлаётгандек зудлик билан нарсаларини йиғиштириб йўлга ҳозирлик кўришди. Шу пайт хонага уй соҳибининг ўн бир яшар ўғли Озод чой кўгариб кириб, меҳмонлар билан сўрашди. Уларнинг йўлга шайланганини кўриб, ҳайрои бўлди:

— Қишлоғимиз сизларга ёқмадими? — деди болаларга хос содцалик билан.

Дўсглар миннатдорчилик билдиришди. Аммо дардлари ичларида эди. Меҳмонлар хонадан чиқиб, бир неча қадам юрар-юрмай, ичкаридан Озоднинг чинқириб йиғлагани эшитилди. Бола ўлик қушчани ҳовучида ушлаганча, уларга яқинлашаркан, унинг йиғиси янада зўрайди:

— Ҳар куни, ҳар куни деразамга келарди. Мен унга нон бсрардим, гаплашардим. Негаўлади?... Нега?...

Равшан гангиб қолган, унинг назарида бутун қишлоқ йиғлаётгандек эди. У бу ердан гезроқ кетишга ҳаракат қилар, лскин оёқлари ўзига бўйсунмасди.

Иккиси олдинда, бириси эса анча ортда беун кетиб боришаркан, боланинг овози қулоқлари остида янада б;тандроқ жарангларди.

ИУЛДА

Йигирматача одам зўр-базўр сиғадиган тумшуғи ўрдақникига ўхшаган чоғроққина автобус ўрнидан кўзғалган ҳам эдики, орқадан биров «ҳай-ҳай»лаб тўхтатди. Ёши қирқлардан ошган, қирра бурун, икки юзи қип-қизил киши ҳансираб чиқиб келди. Унинг қўлида алланималар билан тўлдирилган ипак тўрхалта. Автобус йўлга тушди. Бироздан сўнг нима бўлди-ю, олдинда ўтирган икки болакай жонланиб қолишди.

— Қара, қандай чиройли? — деди кўзлари катта- катта, сариқдан келган бола. — Шалпангқулоққина. Эй, мунча ҳам чиройлисан?

— Амаки, бу қуёнчани қаердан олдингиз? — деди иккинчиси.

— Ҳу анави далада юрган экан, — деди ҳалиги киши болаларга бедазорни кўрсатаркан, — ўзини ҳам зап ушлаб олдим-да!

— Қандай қилиб ушлаб олдингиз, чопиб, тутол- майсиз-ку!

— Тўрхалтани очиб турган эдим, лип этиб ўзи кириб келди, — ҳазилга бурди у.

— Энди нима қиласиз? — шошиб сўрашди болалар.

— Қовурдоқ қиламиз, — деди киши кўлини оғзига гўшт солаётганга ўхшатиб. — Жуда мазали бўлади-да.

— Қўйинг-е, шундай чиройли куённи-я?!

— Вой, бечорагина! — деди иккинчи бола афсусланиб. Болаларнинг кўз олдига бўғизланаётган куён келди шекилли, кўрқувдан ранглари оқариб кетди. Сариқбола эса куённинг қулоғидан тортиб, эркалаб қўйди.

— Уялмайсизми, кап-катта бўлиб-а? — деди у томдан тараша тушгандай.

— Яна ҳеч кимдан сўрамасдан ўғирлаб олибсиз, — қўшимча қилди шериги. — Ота-онаси излаб юрган бўлса- чи бечорани?

Ёқимтой куён эса болаларга жавдираб қараркан, унинг кўзларида кўрқувдан ёш қалқирди. Нотаниш киши манзилига етди шекилли, автобусдан тушиб қолди.

Болалар ўрниларидан туришиб, автобус ойнасига қўлларини қўйганча термўлиб қолишди. Тўрхалта ичидаги куён эса типирчилар, нотаниш кимсадан нажот кутар, кўзлари жавдирарди. Киши эса бепарво қадам ташлаб борарди.

ОЛМАЛАР

Икки қушни иккита бир хил навли олма кўчати олиб келишди. Улар ўз боғларининг энг сара еридан жой танлашди-да, кўчатни авайлаб ўтқазишди.

Ниҳоллар барқ уриб ўса бошлади. Йил ўтди, олмалар бўй тортди, шох чиқариб, куртак ёзди. Бири дарахтни жуда авайлар, тагини юмшатар, ўғит солиб парваришларди. Тезроқ ўссин, дея тез-тез сув берар, совуқ урмасин, деб аёзли кунларда новдаларини ўраб кўярди. Ҳатто чанг ўтирмасин дея, кўм-кўк япроқларини юварди ҳам. Хаёлида олма тезроқ гуркираб ўсса-ю, тезроқ одамларнинг кўзига ташланса...

Иккинчиси эса кўчатига ҳар баҳорда бирозгина қаров берар, бошка пайтларда қиё ҳам боқмасди. Унингдарахти унча бўй тортмаган бўлса-да, она Ерга чуқур илдиз отди, яшаш учун курашди, қиш изғиринида чиниқци. Уч йил деганда ҳосилга кирди.

Биринчи олма дарахти қайрағочдай кўкка бўй чўзди. Орадан тўрт йилча вақт ўтди, дарахт бир-иккита нишона қилди холос. Бир йили қиш жуда қаттиқ келди. Эгаси қанчалик авайламасин, олма дарахтини совуқуриб кетди.

Иккинчи олма дарахти эса ҳамон ўшандай. Ҳар баҳорда гуллайди. Кузда новдаларидаги кип-қизил олмалар ҳамманинг ҳавасини келтиради.

БУЛОҚ, СУВИ

Баландда, тоғу тошлар орасидан булоқ кўз очди. Суви тип-тиник, муздек, баҳорда атиргул япроғига кўнган шабиамдек тоза. У бу ёруғ дунёга чиқиш учун қанчалар курашди, метиндек тошлар бағрини ёриб ўтиб, ниятига етди. Қуёшни кўрди.

Булоқ сувининг нияти—она Ерни қучиш, одамлар меҳрига тўйиш, ўзидай мусаффо қалбли болаларнинг шўхлигига шерик бўлиш, буви ва боболарининг не-не қийинчиликларга шоҳид бўлган кўзларига нур бағишлаш, уларнинг юзларини сийпалаш эди. Аммо...

Йўлдатўсиққадуч келди. Жилға бўлди, сўнфа шалолага айланди. Буйдан-да хурсанд эди. Излаган яхши одамларини топди. Улар булоқ сувини авайлашди, мириқиб ичишди, боғларига тарашди, кўзаларига тўлдириб эъозлашди.

Афсус, унинг бу қувончи узоққа чўзилмади. Дунёда турфа одамлар бор экан. Бири унинг сувига эътибор берса, бири қадрига етмади — ҳар томонга бўлиб юборди. Йўлда нималар кўшилмади унга, билолмади. Ранги ўзгарди. Устига-устак тиканаклар, хасчўплар қалбини пора-пора қилди. Бунгаҳам чидади. Яна кимлардир чиқиндиларми ҳам ташлади. Бу ҳам етмагандай, кимлардир машинасини ҳам ювди. Булоқсуви булғанди, кўлмакка айланди, охири керак бўлмай қолди. У одамларнинг бунчалик бепарқлигидан ачинди ва ранги сарғайди...

ТУЯ

Сахро. Олтанранг қум олов пуркайди. Ўзининг ўрқачлари мисоли ястаниб ётган барханлар оша вазмин одим ташлаб, туя бормокда. Унинг устида туякаш ва анчагина юк. Манзилгача ҳали ҳийла йўл босиш керак. У ҳар замон, ҳар замон узоқ-узоқларга бўйнини чўзиб, «манзилга етдик- микин» дея термулиб қўяди. У одамларга неча асрлардан бери тиним билмай холис хизмат қилади. Қишнинг изғирини, ёзнинг жазирамаси унга писанд эмас. Нима буюришса шуни қилади, қайсарлик нималигини билмайди. Чўк дейишса чўккан, тур дейишса турган.

Ёзнинг жазирама қуёшида ҳам Қорақум саҳросига тап тортмай кириб бораверади. Ҳатто, бу саҳрода энг қудратли техника ҳам гоҳида унинг ўрнини босолмайди. Унга на қаров, на ўт, на ем, на тунаш жойи керак. Унга шу она Ер омон бўлса бас. Бўйнини чўзиб, янтоғини топиб ейди, дуч келган жойда бирозгина мизғиб олса бас.

Унга фақат бир нарсa алам қилади. Ҳеч ким уни севиб эркаламайди. Ҳатто одамлар ёмон кўрган кишиларини «Туяга ўхшайсан-а», дея унга менгзашади. Аслида эса...

... Туя ҳамон йўлда. У манзил сари дадил одимлаб бормоқца. Олдинда эса паст-баланд барханлар. Манзил эса йироқ...

САКСОВУЛ

Уни ҳеч ким эрмади, ўзи униб чиқишини кутишмагани ҳам. Чунки бу ерларда уни кутадиған одами ҳам йўқ. Сахро. Тўрт тараф қум, қум, қум... Қорақум барханлари. У баҳор кунларида униб чиқди ва онасининг кўксини излаб, тамшанаётган гўдакдай обихаётга кўз тикди. Кўкдан ҳам ҳеч нима тушмади, ердан ҳам келадиған сув йўқ. Бир кун кутди, икки кун кутди, нажот йўқ. Фақат майин шабадаю, майда-майда тилларанг қум заррачаларигина мурғак танасини силаб ўтади холос.

Нажот излаб ер қаърига интилди. Яшаш керак-ку ахир. Кундан-кун томир отаверди. Ниҳоят томирига ҳузурбахш нимадир теккандай бўлди. Сув! О, ҳаёт қандай ширин-а!

Шу йўсинда курашиб ўсди, улғайди. Синовлардан ўтди. Энди новдалари тошдай, унга ёзнинг чилласи ҳам писанд эмас. Қишнинг изғиринли, қор аёзли кечалари-ю, кун- дузлари унга тинчлик бермайди. У эса шу заминнинг мард ўғлонидай кўксини қалқон қилиб тураверади.

Яшашни, бутун ҳаётни кураш ва синовдан иборат, деб тушунади у. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсага тайёр. Ҳеч нимадан ҳайиқмайди.

Бир куни одамлар келди. Шунча яшаб, ҳали одам зотини кўрмагани, уларни ҳам ўзидек деб ўйлади. Одамларнинг қанчалик бераҳм эканликларини ҳаёлига ҳам келтирмагани. Уларнинг нияти бошқачалигини англамади.

Одамлар унинг новдаларини болта билан кесдилар. Мағрур саксовул чалажонга айланди. Кесилган новдаларни эса майдалаб, оловга ташладилар — ёнди. Саксовул не-не жазирамаларга тоб берган бўлса-да, бу оловга дош беролмади. Танаси чирсиллаб-чирсиллаб кетса-да, кулгаайланмади. Қип- қизил чўғ бўлди-ю, кўп ўтмай кўмирга айланди. Ташлаб

кегишади деб ўйлагани. Йўқ, одамлар у ўйлаганчалик сахий эмас экан.

Уни қопга жойлашди. Энди нима қилишаркин, деб кутиб турди. Кунлар ўтди. Энди эсдан чиқаришди, деб ўйлаганди. Йўқ, яна оловга ташлашди. Яна ёнди.

— О, одамлар! Бунчалик бераҳм бўлмасангизлар!

Одамлар унинг фарёдига қулоқхам солишмади. Унинг тафтида нималарни пиширишмади, кейин уларнинг бир- бирларига «ширин бўлибди» деганларини эшитди. У ҳақда ҳеч ким гапирмади.

Қадрига ҳеч ким етмаганини тушуниб етди. Охири ёниб, кул бўлди.

ДАНАК

Уйимизнинг олди ўрикзор. Баҳор келди дегунча боғимиз гулга бурканади. Унга қараб ҳамманинг ҳаваси келади. Оқ ўрик, айникса, менга ёқади. Меваси кичиккина бўлса-да, жуда ширин, мағзи эса мазали. Пишганида ҳосили ерга тушмас, новдаларнинг ўзида туршакка айланади.

Пишиқчилик мавсумида шаҳардан меҳмонлар келишади.

Отам бўлса меҳмонларни ҳар доим ўрикдан татиб кўришга таклиф қилар, «ажойиб, аъло нав», деб мақтарди. Улар ҳам отамга қўшилишиб мақтаб, олтинранг ўрикларни тановул қилишарди.

Бу воқеа батамом ёдимдан кўтарилиб кетгандек эди. Баҳорда қўшнимиз Мавлон бува билан боғимизни оралаб юриб, ўша ўрик олдида келганда эсимга меҳмонлар тушиб кетди. Улар ўрикларни еб, улоқтирган данакларидан ниҳоллар униб чиққан эди. Шунда бувамнинг: «Айрим одамларга ҳайрон қоласан, ўригини ейишади-ю, данагини улоқтиришади. Аммо бу данаклар униб чиққач, икки-уч йилдан сўнг мазали ўрик бўлишини хаёлларига ҳам келтиришмайди», деган гапларини эслаб қолдим.

Бувам билан бирга эгат олиб, ҳамма ниҳолларни қайта экиб чикдик. Уларни алоҳида парвариш қила бошладик. Бир неча йилдан сўнг айна бугдой пишиғида бувам ниҳолларни пайванд қилди. Бир ойга қадар пайванд қилинган жойни муттасил намлаб турдик. Аста-секин пайвандга жон кириб, куртак ёза бошлади.

Қишлоққа борганимда, ўша ўрикларни кўрмасдан қайтмайман. Меҳнатим сингганиданми ёки бувамнинг сабоғими, ўриклар олдида бораман. Олтиндай ўрикларни маза қилиб ейман ва данакларини авайлаб олиб қўяман.

Ўрикларни еб, данакларини ҳар томонга отаётган, тош билан чақаётганларга аянч билан қарайман.

Бунга ҳам анча йил бўлди. Яқинда яна қишлоққа бордим. Ўша ўриклар остида ерда топталиб, тупрокка қоришган данакларни кўрдим.

Бир даврадаги суҳбагда эса шундай сўзлар қулоғимга чалинди: «Мавлон буванингўриги энгяхши навдан эди-я, эссиз, қариб қолибди...»

... Қариб қолган ўрик дарахти остида эса бир неча ёш ниҳолчалар ўсмоқда эди.

ТЎК.НАШУВ

Баҳор кунларининг бирида шаҳар мавзесидаги янги уйга кўчиб ўтдик. Қўшниларимиз уй анжомларини саранжом- саришта қилгач, ҳовлидан ўзларига ер ажратиб олишди. У ерга кўчат ўтқазиш, пиёз, зиравор кўкатларни экиш бир ойгачадавом этди.

... Ҳадемай икки йил ҳам ўтди. Ерларга экилган ниҳоллар бўй чўзиб, уй атрофига ўзгача чирой бағишлади. Фақат уйимиз яқинида тошдай қотиб қолган бир парча ер ишловсиз ётар, қўшнилardan бир-иккитаси у ерга дарахт ўтқазишга уриниб кўришган, негадир уддалай олишмаганди.

Бир куни ишдан қайтаётсам, қўшнимиз Султон ака кўлида терак кўчатларини ушлаганча: «Нима қилсам экан?»- деб турган экан.

— Терак яхши дарахт. Сафда турган бўз йигитлардек етилади. Келинг, уларни ариқча бўйига экамиз, уйимиз атрофи янада яшнаб кетади, — дедим.

Тўққизтасини яхшилаб ўтқаздик. Биттаси эса ортиб қолди.

— Буни нима қиламиз? — деди Султон ака.

— Ҳу, анави майдонга эксак-чи?

— Қўйсангиз-чи, у ерда тошдан бошқа ҳеч нарса битмайди.

— Балки шу терак илдиз отиб кетар.

— Қани эди...

Майдончанинг нақ ўртасини танладик. Шу вақт ўғлим келиб қолди. Яхши ният билан кўчатни унга бердим. Кетмонни ерга уриб кўрдим, бўлмади. Кейин

мисрангбилан чуқур казий бошладим. Курувчилар уйни куриб бўлишгач, ўзларининг яроқсиз бисотларини шу ерга кўмишган экан. Анча уринишлардан сўнг чуқурча ҳам тайёр бўлди. Ўғлим ниҳолни катталардек ихлос билан экди. Тупроқни бошқа жойдан олиб келиб, озгина гўнг билан аралаштириб кўмди.

... Кузата бошладим. Ўғлим илк бор эккан ниҳоли эмасми, атрофида парвона бўлиб, ҳар куни унга сув қуйгани-қуйган. Бошқа тераклар секин-аста куртак чиқариб, баргёзди. Ёлғиз терак эса ўша-ўша. Ҳар куни ниҳолни кўраману, кўнглим ғаш бўлиб кетади. Қўшним Султон ака бўлса: «Айтмадимми сизга, чинордай теракни увол қилдингиз», — деб маломатини қўймайди. Ҳижолатдан яна теракка сув қуйдим, тагини юмшатдим, гўнгташладим. Новдасини эгиб кўрдим. Ҳали умид бор.

Ҳаёт учун кураш ниҳолга умр бағишлади. Бир куни ишга кетаётсам, теракдан ниш уриб чиқаётган кургакка кўзим тушиб қолди. Шундай қувониб кетдимки, асти қўяверасиз. Ўғлим эса ниҳоятда шод эди. Аммо, куртакнинг япроққа айланиши ҳам анча мушкул бўлди. Мурғак теракча яшаш учун курашар, қаттиқ ерга ўзининг ипакдек майин илдизларини секин отарди. Ниҳоят учта куртак кўз очди. Энди у ёзнинг майин шабадаси билан сирли шивирлашар, қушникилар ҳар ўтишганида унга ҳавас билан тикилишарди. Уч йилдан сўнг у тўрғ қаватли уйимизнинг гомига тенглашай деб қолди.

... Ёзнинг жазирама кунлари. Теракнинг сояси бирам ёқимли-ки. Бир куни унинг остида қўшнимиз Нодирбек ҳиргойи қилиб, пиво ичиб ўтирганига кўзим тушди. Нодирбекни ҳамматанийди. Узун бўйли, келишган, кучини ишлатса, тоғни тапқон қилади. Аммо, ёши ўтгизга яқин- лашибдиям-ки, бирор жойда ёлчителиб ишламаган. Ҳанузгача отасининг паноҳида. Йигитни кўрдим-у, унинг одамларга шутеракчалик нафи тегмаётганига ачипиб кетдим...

МАРВАРИД ТОМЧИЛАР

Бир парча баҳор булути тоғ чўққиларига оҳиста тўш уриб, далалар узра сузмокда...

Ёмғир шивалаб ёғяпти. Баҳор ёмғири. У қиш бўйи ухлаб ётган табиатни уйғотиб: «Сенга ҳаёт олиб келдим, бағрингни оч, гуллаб яшна», — дея шивирлаётгандай эди.

Ариқ бўйидаги мажнунтолнинг новдалари эса ҳозиргина ювилган келинчак сочларидай майин ва ёқимли. Шабада эса уни эркалаб ўйнайди, узоқларга олиб кетмокчидай тортқилаб-тортқилаб кўяди.

Дилим яйраб, боғларга суқланиб боқаман. Гилос, ўрик новдаларидаги маржондай гуллар, атиргулларнинг энди лаб очишга шайланаётган ғунчалари ёмғир томчиларидан тўйиб-тўйиб баҳра олади.

«Қишлоғим, нақадар чиройлисан. Навбаҳорда сендан- да нафосатли ва гўзал, оромбахш маскан бормикин?» — дейман қувончим ичимга сиғмай.

Далаларга тикиламан. Майсалар япроғида марварид томчилар.

Олгин тупроқлар қорайиб, «оппоқ дур»нинг уруғларини интизорлик билан кутишмоқда.

Она Ерга меҳр қўйган деҳқонлар эса дала шийпонида давра куриб, ёмғирнинг сирли қўшиғига маҳлиё бўлиб ўтиришаркан, шу пайт уларнинг орасидан отилиб чиққан ёшгина қизча юзларини ёмғирга тутди.

Томчилар бўлса унинг қуюқ қошларидан, тамшаниб турган лабларидан, тим қора сочларидан мириқиб ўпич оларди.

У эса шунақанги қувноқ, шод эди-ки, шу пайт бутун оламда ундан-да бахтиёр одам йўқэди.

У гир-гир айланиб, қайноқ бир эҳтирос билан шивирларди: «Оҳ, марварид томчилар! Баҳор ёмғирлари. Қанийди ҳамма ёмғирлар сиздайин ҳаётбахш, дилрабо бўлса!...» Марварид томчилар эса қизчанинг юзлари узра сирпаниб-сирпаниб, тушарди.

АРЧА

У ҳамиша кўм-кўк. Оиа тупроқ бағрида униб, қуёшнинг заррин нурларини эмган дамлардан буён бир хилда ўсади. Унингранги ҳам ўзгармайди. Кўм-кўк, ям-яшил... Қишнинг чилласида новдалари оппоқ қорларга бурканганида бахтиёр келинчакка ўхшаб кетади. Баҳорда ҳам севимли либосини ўзгартирмайди. Фақат янги новдалар ёзиб, уйғониш фаслини қутлайди. Ёзнинг жазирамасида эса ҳеч нима кўрмагандай виқор билан шундайлигича туради.

Табиатнинг тўкинчилик фасли бўлмиш кузда ҳаммаёқ олтин рангга чўлғанганида ҳам, дарахтлар ўзинингтўнини ерга ташлаганида ҳам у аввалгидек яшнаб тураверади. Ҳеч қиёфасини ўзгартирмайди.

Ҳамма одамлар табиатида ҳам дарахтдаги ана шу хусусият бўлса қанийди...

ЛИДИЦА БОЛАЛАРИ

(Воқеий ҳикоя)

... Уруш тугади. Фашистларнинг кэби\хужжатлари орасидан бир тарихий сурат топилди. Унда бири-биридан ширин, хушчақчақўғил-қизлар ўз муаллими билан ўширишарди. Ўшанда улар биринчи синфда ўқишарди. Билимга жуда ташна эди бу полапонлар! Орзулари-чи? Бир олам эди! Ўқув йили тугаши арафасида севимли ўқитувчилари билан эсдаликка суратга гушишди. Бир умрга эслаш учун. Ёшлари улғайганда кўриб, ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам ҳайратлантиришмоқчи эдилар. Ҳақиқатам ҳам бу тарихий сурат энг ноёб эсдалик бўлиб қолди. Болалар эса фашизмнинг қурбони бўлишди. Ҳикоямиз улар ҳақида, уларнингаянчли такдири ҳақида...

Ёз ойларида Чехословакиянинг Лидица қишлоғида бир кун меҳмон бўлган киши бу ердан кетгиси келмасди. Кўм- кўк ўтлоқлар, боғ-роғлар, зангори осмон ва тоза ҳаво кишига ҳузур бағишларди. Бу гўзаллик немис-фашистларга ёқмади. Уни топтаб, вайрон қилганча, ҳимоясиз қишлоқдан қўшиқ айтиб ўтиб кетишди. Ўшанда одамлар қонхўр босқинчиларнинг ёвуз ниятига тушунишмади. Душманнинг кирдикорлари шу билан тугади, деб ўйлашганди. Болалар ҳам бургуттамғали немис солдатларининг бош кийимларини, ғоз юришларини роса томдан томоша қилишганди ўшанда. Ҳали душман нималигини, унинг машъум кирдикорларини билишмасди улар!

Душман яна қайтди. Ширага ўрганган пашшадай ёпирилиб келишди. 1942 йилнинг 9 июнь куни группенфюрер Френк полиция директори Грест Бемга телефон қилиб, Лидица қишлоғи ҳақида шундай буйруқ берди: «Ҳамма эркаклар отиб ташпансин. Аёллар концентрацион лагерларга жўнатилсин. Болалар тезлик билан Германиядаги эсэсчи-ларнинг оилаларига юборилсин. Агар бу қўл келмаса, тарбиянинг бошқа усуллари қулланилсин. Қишлоқ эса ёндирилиб, ер билан яксон қилинсин!».

Фашист газандалари каллакесар бошлиғининг буйруғини яшин тезлигивда адо этишди. Улар норасида гўдакларни адцашди. Болаларга: «Сизларни поездда сайр қилдирамиз. Шаҳарларни, ёдгорликларни, ўрмонларни томоша қиласиз. Бундай имконият сизларга ҳеч қачон насиб этмайди...» — дейишди.

Қалби пок қишлоқ болалари бунга ишонишди. Душман ҳийласини ростдеб тушунишди. «Бизларни ўйнатгани олиб кетишяпти», деб роса қувонишди ҳам. Лекин фашистлар одам қиёфасини йўқотган ваҳшийлар эди.

Болаларни Кладио қишлоғига олиб келишди. Улар орасида олти бола ҳали икки ёшга, энг кичиги эса ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган гўдак эди. Бир зумдаёқ «сайрга» чиққан қувноқ болаларнинг чехрасини қўрқув босди. Айрилиқ ёшлари селдай оқци.

Гестапо эса болаларнинг рангига, кўзига ва сочига, кўринишига қараб гуруҳларга ажратди. Ҳатто уларга янгидан исм қўйишди. Аммо, уйдагидек

ўйнашга ўйинчок, ширин таом беришмади. Сайрга ҳам олиб чиқишмади. Уларни тиканли симлар ортига, қуёшсиз дунёга қамаб қўйишди.

Улар тўқсон бола эди. Жажжи-жажжи ўғил-қизлар қафасга тушган қушлардай талпинишди, югуришди, чопишди тим қоронғу хоналар ичра! Уйдан чиқишса ҳам тиканли сим тўрдан нарига ўгиша олишмади. Улар ҳеч нимаштушунишмади. Ота-онасиз, айрилиқдарди болаларни гангитиб қўйди. Оқ-қоранинг фарқига бормаидиган бу гўдак тутқунлар «НИМА УЧУН?» дея саюл беришди. Савол эса жавобсиз қолди. Мурғак болалар эса она қишлоқ — Лидицани, меҳрибон ота- оналарини қўмсашарди. Начора! Улардан саксон иккитасига ўзи туғилган қишлоғини яна кўриш насиб этмади.

Лидицалик қувноқ болалардан фақат синган бир яримта ўйинчок, тўп ва ота-оналарига, қариндошларига ёзган мактублари қолди, холос. Улар ўқишни, ҳаётни, турли-туман ўйинчоқларни, тўйиб овқат ейишни жуда-жуда яхши кўришарди. Болалар соғинч билан хатлар битишди. Бу хатлар ўзларидай тиканли сим тўрнинг ичида қолди. Уларни урушдан сўнг халоскор жангчилар ўқишди. Мана, улар:

«Азиз дўстлар! Хатимизнинг биринчи сатрида сқ бизлар: Мила, Маруш, Эденак сизларга Польшадан салом йўллаймиз.

Бизга ейишга бирор нарса, яна иложи бўлса, иккита қошиқ, иккига чашка ва битта пичоқ юборсангиз.

Салом ва эҳтиром билан:

Мила, Маруш, Эденак».

«Ссвимли холажон! Биз Эва, Эма, Ванде Пеле- ховскийлар Польшадан салом йўллаймиз. Севимли холажон. Биз бу ерда ота-онасиз яшаяпмиз. Бизда устимиздаги кийимдан бошқа ҳеч нима йўқ. Сиздан илтимос, бизга бирор нарса, эски туфлими, юборсангиз. Яна меҳрибонлик қилмоқчи бўлсангиз, бизга бир бўлак нон ва пирожний юборинг. Эва бу ерда бетоб бўлиб қолди. Соғайган бўлса ҳам ҳали бардам эмас. Сизлар ҳаммангиз соғлом ва бирга яшаяпсизларми? Аҳволларингиз қандай?

Яна бир салом ва илтимос: иложи бўлса бирор егулик нарсани тезроқ юборсангиз, чунки биз бу ерда қанча бўлишимизни билмаймиз.

Салом билан: Эва Кафкова, Эма ва Ванде».

Мактублар... Болаларни интизорлик билан куттирган мактублар. Улар ўз эгаларига етиб бордими?

Йўқ, бормади. Жавобсиз қолди. Болаларнинг сўнгги нажотлари унсиз йўқолди. Шўх кулгилари эса само бўш- лиғида муаллақ қолди.

Лидица қишлоғи. Душман вайрон қилган қишлоқ. Фашистлар энди ҳеч қачон унингодамлари бўлмайди, номи ўчади дейишганди. Лекин Лидица қайга

тикланди. Тинчлик гимсоли бўлиб, болалардан ёдгорлик бўлиб... Аввалгисидан ҳам гўзал эди. Болалари дунёнинг турли бурчакларидаги тенгдошларига бутун дунёда тинчлик, осойишталик бўлишини истаб, тинимсиз мактублар йўллашди. Бухатларнинг мазмуни битта: «Ҳеч қачон уруш бўлмасин. Лицица сўжиаси сира такрорланмасин. Одамлар, болаларни жаллодлардан асранг!»

КЎШИК

Яна оппоқтонг отди. Тоғлар ортидан қуёш мўралади. Ўғлим уйғонди. Хурсанд. Ҳар кунгидек ювинди. Қўшиқ эшитгани келди. Қувнаб-қувнаб. Ҳар кунгидан-да шўхроқ, шалоладай тоза ва ўйноқи.

Радиони буради. Қўшиқ йўқ. У истаган, бутун вужуди билан севган, эшитмоқчи бўлган қўшиқйўқэди. Радиодан бир чақириқ янгради. Бутун дунёни ларзага солгудай: «Атомга чек қўйинг! Дунёга тинчлик беринг!... Самолётлар, ракеталар эмас, оппоқ кабутарлар учсин самода!».

Радио тинимсиз сўзлар ва оммавий қирғин қуролларини яратган одамларга мурожаат этарди.

Бу яхшилик учун яна бир даъват эди. «Уларнинг юраги муз эканми, — ўйлади бола, — қуш-қушни тушунади-ю, нахотки одам-одамни тушунмаса?» Бола-бола-да, ким дўст, ким ғаним эканлигини билмайди. Уларнинг ёвуз ниятини ҳаёлига ҳам келтирмайди.

... Радиода ҳамон қўшиқйўқэди. Болақайнинг эса қўшиқ эшитгиси келиб, қулоқ тутарди. Ҳар тонг қўшиқ билан бошланса қанийди...

У шу тилак билан уйғонади ҳар куни.

Афсус... ҳамон ғанимлар бор экан бу дунёда! Ҳатто радиодаги қўшиқни ҳам тортиб олишмоқчи. Лекин қўшиқ жаранглайди. Абадий бир қўшиқ. Бутун юракни ларзага солгудай. Муз юраклар ҳам эриб кетади ўшанда. Болақай бунга ишонади.

Чақириқ оҳиста тинди. Сукунат. Сўнг ажиб қўшиқ бошланди. Гўё қуёш чикди янгидан. Боланинг бутун вужуди яйраб кетди. Деразани очиб юборди. Хонага мусаффо баҳор эпкини энтикиб кирди.

САЁХАТ

Тенгдошларим ҳар йили у ёқ-бу ёқларга дам олгани боришади. Мен эса хонанишин бўлиб қолганман. Уйимиз олди дов-дарахтлар билан ўралган, ариқча ҳам ўтади. Бўш пайтимда шу ариқча бўйида кўк чойни майдалаб, зерик-сам, бирорта ашулани димоғимда хиргойи қилиб ўгираман. Бу йилги меҳнаттаътилимни ҳам уйда ўтказмоқчи бўлдим.

— Мурод, ҳар йил ишлайвериш жонинггатегадими? — деди бир куни дўстим Карим. — Сен одамларга ўхшаб, узоқ-роқ жойларга бориб, бир ўйнаб келсанг-чи!

— Бола-чақа, уй-жойни ташлаб-а!

— Эҳ, у ёқпарнинг гаштини билмайсан-да, — кўпиртиришда давом этди Салим дегани. — Бир айланиб келсанг, умрингга умр қўшилади.

— Шу кунда хотин билан ит-мушук бўлиб юрибмиз. Ҳаммани қўйиб, мени саёҳатга юборармиди...

— У ёғини сўрасанг, — деди Карим қўлини-қўлига ишқаб, — ана, қадрингни кўрсатишнинг ўрни келибди. «Ҳай-ё ҳуйт» дегину, жўнаб қол.

Хуллас, мени кўндириш кўпга чўзилмади. Дўстларим қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб қўйишди.

— Бўпти, — дедим ниҳоят, — аммо нотаниш жойлар, озиқ-овқат, ётиш-туриш деганидек...

— Унисига парво қилма, ҳаммаси «во!» бўлади, — деди йишди дўстларим.

Сафарга отланадиган бўлдим. Хотинимнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, шартта самолётга билет олиб, учиб кетдим. «Пўлат қуш» зинапояларидан тушганимда шаҳар оқшом оғушида эди. Ҳаммаёққа чироқпар порлар, ҳаво салқин. Самолётда биринчи учишим эмасми, ҳаяжонданми ёки учишдан олдин кутавериш толиққанимданми, ўзимни беҳузур сездим. «Меҳмонхонага бориб ётаман-у, қотаман», — деб ўйладим.

— Менга бир хоналигидан берсангиз, — дедим меҳмонхона ходимига.

— Ўх-ҳў, отликқа йўқ жой, сизга қаёққа.

— Мен самолётда келдим, — дедим ярим чин билан.

— Агар ракетада келган бўлсангиз ҳам, афсуски, жой йўқ, — жавоб берди у қатъий оҳангда. Тарвузим қўлтиғидан тушиб, кўчага чиқдим. Шунда баттар чарчоқ бошиб, мазам қоча бошлади. Кўз олдимга ҳовлимиз, ариқ бўйи, бири-биридан шўх болаларим келди. Бўшашиб чамадонимга ўтирдим. Тўсатдан чалинган ҳуштак ҳушимни жойига келтирди.

— Ўртоқ гражданин, бу ерни йўл дейдилар, вокзалда дам олиш жойлари бор. — Бошимни кўтариб, қаршимда тиктурган миршабни кўрдим.

Қарасам, кўчанинг қоқўртасида мудраб ўтирган эканман. Миршабни кўриб тамоман гангиб қолдим. Тураётиб, оёқдарим чалишиб, гандираклаб кетдим.

— Ия, мастга ўхшайсиз-ку, юринг бу ёққа! — Энди бояги шафқатсиз оҳанг буйруққа айланди.

Шошганда лаббай топилмас деганлари рост экан. Ти- лимга калима келмай қолса бўладими. Бир-икки ютиндим. Қани энди тилим айланса.

Миршаб бўзрайиб турганимни кўриб, «борганда тушун- тирасиз», — деди-да, милиция бўлинмасига олиб борди.

Аввалига расмиятчилик учун варақа тўлдира бошлаган навбатчи «мастлигим» воқеасини эшитгандан кейин хоҳо- лаб кулиб юборди. Меҳмонхона топишга ёрдам беришлари- ни сўрадим. «Эриб» кетишдими, меҳмонхонапаргатефон қилиб кўришди. Бўлмади. Сўнгра иложи топилгандай, нав- батчининг чехраси очилиб кетди.

— Бир жой бор, маъкул бўлса, эрталабгача шу ерда тунайсиз.

— Раҳмат, — дедим миннатдорчилик билдириб.

— Батартиб, тоза...

— Минг раҳмат, — дедим яна қуллуқ қилиб.

— Аммо айбга буюрмайсиз, номи хунукроқ.

Кейинги сўзни эшитиб, юрагим орқага тортиб кетди. На чора, бир кеча минг кеча эмас-ку. Бошга тушганни кўз кўрар.

Хушёрхонанинг бир хонасига жойлаштириб, навбатчи- га эрталабгача шу ерда дам олишимни тайинлашди.

Чарчаганимдан донг қотиб қолибман. Кимнингдир турт- кисидан уйғониб кетдим. Қарасам, бир нотаниш миршаб тепамда тик туриб, буйруқ бераяпти.

— Тур ўрнингдан! Бу ер катта холангнинг уйи эмас. Хурмачангга сикқанича ичсанг ўласанми?

Тушумми, ўнгимми, ҳеч тушунолмасдим. Нима дейи- шимни билмай анқайиб қолдим. Маст-аластлар қатори мени ҳам совуқ сув билан «сийлашди».

— Мен маст эмасман.

— Тушингни сувга айт, бу ерни «хушёрхона» дейдилар. Хушёр одамни бу ерга олиб келишмайди, — деб кулги қилишди.

Уйқум қочиб, бир кеча минг кечага айланиб кетди. Эр- талаб туриб суриштирсам, кечаги навбатчилар тунда алма- шиб, ўрнига бошқалари келган экан. Ўзлари билан бўлиб, мен ҳақимда шерикларига ҳеч нима дейишмаган экан. Ўз оёғим билан хушёрхонага тушиб чиққанимга ачиндим. Саё- ҳатимнинг аввали ва охири шундай тугади. Яна бир кор- ҳол рўй бермасин, деб тезгина уйга қайта қолдим.

ОДАМГАРЧИЛИК

Тоҳир тушликдан қайтиб, энди ишга шўнғиган ҳам эди- ки, олдидаги гилос рангтелефон «тил»га кириб қолди. Ишга жуда берилганиданми ёки хаёли паришонлигиданми, теле- фон гўшагини эринибгина кўгарди.

— Алло! Эштаман.

— Салом, отагинам!

— Э, Сафар, бормисан оғайни, учрашганимизга ҳам бир ҳафта бўлди. Ўшандан бери...

Тоҳир шундай деди-ю, кўз олдида Юнусободцаги та- нишининг уйидан ярим кечада, йўқ-йўқ, тонг отарда хўроз- лар билан тенгма-тенг қичқиришиб, дўстлари ҳамроҳлиги- да аранг уйига етиб келгани, ўзига келолмай икки кун ишдан қолгани ва берган ваъдалари гавдаланди-ю, тили калимага келмай ғўлдираб қолди.

— Ҳа, ҳалиги, а...

— Ҳа, оғайни, тилинг айланмаяпти, бир нима бўлди- ми? Ё сени врач-логопедга бир кўрсатайми?

— Кўп вайсайверма, — жеркиб берди Тоҳир, — ишинг бормиди менда, тезроқ гапир! Анча-мунча топшириқлар олганман, бугун бажармасам бўлмайди.

— Ў, ударник бўлиб кег-е, қачондан бери. Бунчалик ғайратли эканлигининг шунча вақтгача билмаган эканман. Узр. Ғайратинг бор. Ўша куни бир ўзинг иккитасини бўша- тибсан. Баракалло-э!!!

— Қўй, оғайни, ўшани эсга солма. Бир бўлди, энди бўлмайди...

— Шундайми?

— Шундай.

— Кел, бўлмаса, бугундан бошлаб одамгарчилик йўли- га ўгамиз.

— Тушунмадим, — хайрон бўлиб сўради Тоҳир.

— Бугун ишдан сўнг «олов»ни кўргани борамиз.

— Машъалникигами?

— Бетоб бўлиб ётганмиш. Одамгарчилик қилиш керак. Бир вақтлар қил ўтмас оғайни эдик.

— Хотини ёмон-да. Бизни кўрса, аждарҳони кўргандек сапчийди. Тагин...

— Биз эрини кўргани борамиз, оғайни, хотинини эмас. Келишдикми? Соат олти яримда «Универсам»да уч- рашамиз.

— Яна «Универсам»дами?

— Э, галварс! Ахир бемор кўргани бораяпмиз, ул-бул ширинлик олмаймизми? Қора кўзлари бор-а...

Улар келишилган вақтда учрашишди. «Универсам»дан ул- бул харид қилиб чиқишгач, йўлак бўйлаб юришаркан, кўзлари ён томонда чўғдай ёниб турган ёзувга тушди: «На- питки». Бехосдан бир-бирларига қарашди. Сафар ўзини ту- тиб туrolмади.

— Кел, оғайни, «оқбола»дан ҳам ола қолайлик. Бемор кўргани боряпмиз-ку, ўзига ҳеч вақо олмабмиз. У умрида ширинлик еган йигитмас. Жинидан ҳам ёмон кўради.

— Тўғри, — унинг сўзини маъқуллади Тоҳир.

Зум ўтмай «оқ бола» ҳам халтадан жой олди.

Машъалнинг уйига келишга келишди-ю, бешинчи қават- га чиқиш анча қийин бўлди. Амаллаб эшиккача етиб ке- лишди ва кўнғироқтугмачасини «Сен бос, мен бос» қилиб, охири тугмачани Сафар босишга мажбур бўлди. Биринчи кўнғироққа жавоб бўлмади. Иккинчиси сал кўпроқбосил- ганиданми, ичкаридан аёл кишининг «ким?» деган овози эшитилди.

— Биз! — Иккапаси бараварига жавоб қайтаришди.

— Сизлар кимсизлар?

— Гулсанам, биз оғайнимизни кўргани келдик, — Са- фарнинг овози негадир қалтираб чиқди.

Эшик очилди. Хонадон соҳибаси уларни илиқ қарши олди. Шу пайт ичкаридан кучоқ очиб, Машъал ҳам чиқиб қолди.

— Келинглار, оғайнилар, бормисизлар ўзи? Кўринмай кетдинглар-ей? Қанча бўлди ўзи кўришмаганимизга?

Улар қўл қовуштириб, сиполик билан меҳмонхонадаги дивандан жой олишди. Хонадон бекаси столни турли ши- ринликлар, мева-чевалар билан тўлдириб ташлади. Сўнгра ўзим кеча тайёрлаган эдим, дея икки банка шафтоли ком- потини ҳам келтириб қўйди. Уй-жой, бола-чақа, соғлиқ, иш жойидаги тартиб-интизомлар ҳақида суҳбатлашиб ўти- ришди.

Машъалнинг хотини сўзга анча чечан бўлиб қолибди- ми, уларга гап ҳам тегмади. Чой устига чой. Гуринг эса борган сари авжига чиқар, лекин кутилган «нарс»дан да- рак йўқ.

Улфатларнинг борган сайин ҳафсаласи пир бўлиб, кай- фиятлари бузилди. Уларга ҳеч нарс» ёқмай қолди. Мезбон- лар қанчалик мулозамат кўрсатишмасин, кетишга чоғла- нишди. «Ўзимиз оғайнимизнинг бетоб бўлганлигини эши- тиб, бирпасгагина кирган эдик», — дейишди.

— Дўстимизни одам десак, жуда қурумсоқ экан-ку, — деди Сафар кўчага чиққач, жиғибийрон бўлиб.

— Қўлингдаги тўрхалта оғирроқ кўринади, қара-чи, анави қоғозга ўроғлиқ нарса нима экан? — сўради Сафар.

Тоҳир ўзи билан ўзи овора бўлиб, қўлига тутқазишган тўрхалтага эътибор ҳам бермаган экан.

— Э-э, ҳа-я!!

Тоҳир тўрхалтадан ўроғлиқ нарсани чиқариб, қоғозни оча бошлади.

— Ўзиям куёв-келинга берадиган кўғирчокдай ўраб ташлабди-я, — тўнғиллади у.

— Об-бо!

Тоҳирнинг қўлида ўзлари олиб келишган арақни кўрган Сафар бехосдан қичқириб юборди: Боплабди, оғайни! Боплабди!